

АМЕРИКА ОҚ КАПАЛАГИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА ЗАРАРИНИ
ЎРГАНИШ.

Эргашова Хуснида Иброҳимовна
Ассистент
Андижон қишлоқ хўжалиги
ва агротехнологиялар институти

ИЗУЧЕНИЕ БИОЭКОЛОГИИ И ВРЕДА АМЕРИКАНСКОЙ БЕЛОЙ
БАБОЧКИ.

Эргашова Хуснида Ибрагимовна
Ассистент
Андижанское сельское хозяйство
и институт агротехнологии

Аннотация: Америка оқ капалаги тарқалиши, биоэкологияси, зарари ва авлод бериши ҳақида келтирилган.

Калит сўзлар: ўрмон дарахтлари, тут, Америка оқ капалаги, тухум, личинка, гумбак, етук зот.

Резюме: Описано распространение, биоэкология, повреждения и размножение американской белой бабочки.

Ключевые слова: лесные деревья, шелковица, американская белая бабочка, яйцо, личинка, гриб, половозрелая порода.

Abstract: It describes the distribution, bioecology, damage and reproduction of the American white butterfly

Keywords: forest trees, mulberry, American white butterfly, egg, larva, mushroom, mature breed.

Мамлакатимизда мевали боғларни кўпайтириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд, хусусан табиий иқлим шароитлари ҳам мевали дарахтларни экиб ўстиришга қулайдир. Аммо кўпчилик мевали дарахтлар бир ерда кўп йил ўсиши туфайли зараркунандалар кўпайиб, илдиздан тортиб меваларгача катта зарар етказди.

Америка оқ капалаги- *Nyphantria cunea* Lepidoptera туркуми, Aretidae оиласига мансуб. Ўрмон дарахтлари, тут ва мевали дарахтлар учун катта хавф туғдирувчи хашарот.

Бу хашаротнинг ватани Шимолий Америка ва Канаданинг жанубий худудлари хисобланади. Ҳозирда бу хашарот кўпгина Европа мамлакатларида ҳам мавжуд.

Капалаги йирик, қанотини ёзганда 4-5 см келади. Ранги оқ, урғочисининг мўйлови ипсимон, эркагиники патсимон. Тухумдан юмалок (0,6 мм), оч яшилдан сарғиш-хаворанггача товланиб туради. Қуртлари йирик, 3.0-3.5 см келади, орқаси бўйлаб 2 қатор ва ёнларида 4 қатор сўгалчалари бор, улардан узун туклар чиқиб туради. Дастлабки ёш қуртлари-оч сариқ, боши қора, сўгалчаларидаги қилчалари узун, қора ва оқ калта туклари бўлади. Катта ёшдаги қуртларнинг туси ўзгаради, унинг орқа томони силлиқ, сариқ орқадаги сўгалчалари қора бўлиб, танасининг икки ёнидан биттадан сариқ, кенг тасма чизик ўтади, боши ва оёқлари ялтироқ қора тусда. Ғумбаги 8-10 мм, ранги тўқ қўнғир, танасининг охирида 10-19 та қармоқсимон қиллари бор. Ғумбаги сийрак пилла ичида жойлашади.



Америка оқ капалаги ғумбаклик шаклида турли пана жойларда: пўстлок ости, новдалар айрилган жойлар, тут каллаклари, хазон ости ва тупроқнинг тепа қатламларида қишлаб чиқади.

Баҳорда кунлар исиши билан капалаклар учиб чиқади ва тунги ҳаёт кечиради. Тухумини тўп-тўп қилиб (одатда 400-500 тадан), жами 2000 тагача кўяди. Тухум тўдасининг устини тана туклари билан беркитиб кетади. Тухумларнинг инкубация даври 5-10 кунга чўзилиши мумкин. Тухумдан очиб чиққан куртлар дастлаб очик яшай бошлайди. Бешинчи ёшдан бошлаб куртлар ўргимчак остидан чиқади ва якка-якка бўлиб яшашга киришади. Куртлар жами 7 ёшни кечиради. Куртлик даври учун оқ капалак 45-55 кунни талаб этади. Шундан кейин ғумбакланади ва 8-14 кундан кейин иккинчи бўғин капалаклари учиб чиқади. Ушбу хашарот бир мавсумда 2-3 бўғин бериши мумкин.

Америка оқ капалагини кириб келишини олдини олиш каттик карантин чораларни Республика Давлат карантин инспекцияси ва унинг вилоятлардаги мутахассислари томонидан кўлланиладиган чоралар билан бир вақтда барча қишлоқ аҳлисига мурожаат қиламиз, нотаниш зарарли хашарот пайдо бўлиши аниқланса тезда карантин инспекциясига хабар бериш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Хужаев Ш. Т, Холмуродов Э. А “Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларни химояси, қишлоқ ва агротоксикология асослари” Тошкент-2009й.
2. Кимсанбоев Х.Х. ва бошқа “Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси” Тошкент-2002 й
3. Турдиева, Г. А., Камбарова, М. А., & Эргашева, Х. И. (2019). Применение гербицида Зета в выращивании озимого нута. *Инновационная наука*, (5).
4. Хайдаров, Ж., Мамадалиев, М., Эргашова, Х., & Орифжонова, У. (2021, August). USE OF BIOLOGICALLY ACTIVE SUBSTANCES IN PEST CONTROL: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1353>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.06).
5. Эргашова, Х. И., & кизи Абдулазизова, О. И. (2022). Тамаки трипси (thrips tabaci lind) нинг ривожланиши ва унга қарши кураш чораси. *science and education*, 3(3), 123-127.
6. Эргашова, Х. Помидор экинидаги помидор занг канаси (aculops lycopersici) нинг зарари ва унга қарши кураш чоралари. *экономика*, 738-740.
7. Сиддикова, Н. К., Мирзайтова, М. К., & Абдуллаева, Г. Д. (2019). Грибные болезни хвойных. *Вестник науки*, 1(12), 257-259.
8. Абдуллаева, Г. Д. К., Мирзайтова, М. К., & Сиддикова, Н. К. (2019). Вредители шиповника. *Вестник науки и образования*, (24-3 (78)).

9. Сиддикова, Н. К., Нуралиев, Х. Х., & Абдуллаева, Г. Д. (2020). ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕРЫ БОРЬБЫ С ЛЕСНЫМИ БОЛЕЗНЯМИ. *Life Sciences and Agriculture*, (2-2).
10. Сиддикова, Н. К., Мамажонова, О. С., & Кузибоев, Ш. (2017). Эволюция паразитизма. In *Результаты фундаментальных и прикладных исследований в области естественных и технических наук* (pp. 84-87).
11. Камилов, Ш. Г., & Сиддикова, Н. К. (2020). Защита сеянцев хвойных культур от корневой гнили. *Защита и карантин растений*, (5), 17-18.
12. Сиддикова, Н. К., & Тошмухаммедова, Г. (2017). ПРИМЕНЕНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА ЗАГУЩЕННЫХ ПОСЕВАХ ХЛОПЧАТНИКА НА ЕСТЕСТВЕННОМ ЗАРАЖЕННОМ ПОЛЕ. In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 722-723).
13. Сиддикова, Н. К., & Жаханалиев, М. (2017). ВЫРАЩИВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ ТОМАТОВ (ПОМИДОР). In *Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства* (pp. 720-723).